

Хайдаров М.Т.,

иқтисод фанлари номзоди, доцент

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

ХАЙДАРОВ М.Т. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ФОНДЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мақолада бюджет ташкилотларида асосий фондларни мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига кўра қайта баҳолашнинг тўғри бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида акс эттириш масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: бухгалтерия ҳисоби, бюджет ташкилотлари, асосий фондлар, бош китоб.

ХАЙДАРОВ М.Т. БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И ОТЧЕТНОСТЬ ПЕРЕОЦЕНКИ ОСНОВНЫХ ФОНДОВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

В статье освещаются вопросы правильной переоценки основных фондов в бюджетных организациях на основе действующих нормативов, ведения их бухгалтерского учета и отражения в отчетности.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, отчетность, бюджетные организации, основные фонды, главная книга.

KNAYDAROV M.T. ACCOUNTING AND BOOKKEEPING OF BASIC CAPITAL REAPPRAISAL IN BUDGET ORGANIZATIONS.

There is considered in the article the reappraisal of basic capital in the budget organizations, the correct reflections of the operations in books and reporting implementing current legislation and norms.

Keywords: accounting, reporting, budget organizations, basic capital, main book.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш – асосий воситалар объектларининг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархларига мувофиқлаштириш мақсадида мунтазам аниқлаштириб боришдир. Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида жорий қиймати бўйича акс эттирилади.

Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 2002 йил 29 октябрдаги 4-сонли, Молия вазирлигининг 129-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2002-86-сонли қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-рақам билан рўйхатга олинган «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом» талабларига мувофиқ ҳар йили ўтказилади.

Бунда асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (**жорий йилнинг 1 февралига қадар**) 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш ўтказилаётган даврдаги нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади.

Асосий фондларнинг тўла тиклаш қиймати ташкилот хоҳишига кўра ёки ҳужжатларда тасдиқланган, қайта баҳолаш ўтказилаётган давр – 1 январь ҳолатига (кейинги ўринларда – **«тўғридан-тўғри баҳолаш услуги»**) вужудга келган, шу каби баҳоланаётган янги объектлар бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар қийматини **тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш йўли** билан ёки асосий фондлар турлари ва уларга эга бўлиш даврлари бўйича табақалашган, асосий фондлар қийматининг ўзгариш индекслари қўлланилган алоҳида объектлар бошланғич (тиклаш) қийматини индексациялаш йўли билан аниқланади.

1. Асосий фондларни қайта баҳолашда **индексли усулни** қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш индексларини ишлаб чиқади ва оммавий ахборот воиталарида расман чоп этади (*2016 йил учун индекслар «Норма» газетасининг рус тилидаги 2015 йил 29 декабридаги 52-сониди чоп этилди*).

Асосий фондларни, ўрнатиш мўлжалланаётган ускуналар ва тугалланмаган қурилиш объектларини олиш ва ҳисобини юриштиш ҳамда уларни қайта баҳолашни ўтказиш бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби бўйича Йўриқноманинг (Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-рақам билан рўйхатга олинган) ҳисоблар режасида қуйидаги 010-013, 015, 018-019, 020-023, 025, 029, 070-071, 280-284 субсчётлар кўзда тутилган.

Асосий воситалар, ўрнатиш мўлжалланаётган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган объектларни қайта баҳолаш натижалари бўйича операциялар **бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича олиш манбаи, қўлга киритиш (қуриш) манбаларидан** келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобида алоҳида-алоҳида акс эттирилади.

Асосий фондлар бошланғич қийматини қайта баҳолаш ўтказилаётган вазиятда қайта баҳолаш ўтказиш санасига тўпланган эскириш қайта баҳолаш (тиклаш) тегишли индексларини қўллаб тузатилади ва кейинчалик эскириш ҳисоблаш қайта баҳоланган суммалардан (2169-сонли Йўриқноманинг 110-банди) келиб чиқиб амалга оширилади. Яъни асосий воситалар, ўрнатиш мўлжалланаётган ускуналар, тугалланмаган қурилиш объектларининг бошланғич (тиклаш) қийматини қайта баҳолаш қуйидаги бухгалтерия проводкаларида акс эттирилади:

а) **асосий воситаларни** охириги қайта баҳолаш суммасига:

асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича тегишли 010, 011, 012, 013, 015, 018, 019-субсчётлар **дебетланади**

ва «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижалар» 280-субсчёти, ёки

«Тўловлар махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» 281-субсчёти, ёки

«Таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқитишдан олинган маблағлар якуний молиявий натижаси» 282-субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотининг ривожланиш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

асосий воситалар объектига эга бўлиш манбаидан келиб чиқиб, «Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти **кредитланади**;

б) айти вақтда эскиришнинг ўсиш суммасига:

«Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 280-субсчёти **дебетланади** ёки

«Тўловлар махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» 281-субсчёти, ёки

«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 282-субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

«Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти, *асосий воситалар объектлари олиш манбаидан келиб чиқиб*, асосий воситалар эскириши бўйича тегишли 020, 021, 022, 023, 025 ёки 029-субсчётлар **кредитланади**;

в) ўрнатиш мўлжалланаётган асбоб-ускуналарни қайта баҳолаш суммасига:

070-субсчёт **дебетланади**

ва «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 280-субсчёти, ёки

«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 282-субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

«Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти, *ўрнатиш мўлжалланаётган ускуналарни олиш манбаидан келиб чиқиб*, **кредитланади**.

г) тугалланмаган қурилишни қайта баҳолаш суммасига:

071 -субсчёт **дебетланади**

ва «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 280 -субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

«Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти, *тугалланмаган қурилишнинг вужудга келиш манбаидан келиб чиқиб* **кредитланади**.

Асосий воситалар объектлари бошланғич (тиклаш) қийматининг арзонлаштирилган суммаси қуйидаги бухгалтерия проводкаларида акс эттирилади:

а) асосий воситалар арзонлашиш суммасига:

«Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 280-субсчёти, ёки

«Тўловлар махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» 281-субсчёти, ёки

«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 282-субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

«Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти *асосий воситалар объектлари олиш манбаидан келиб чиқиб* **дебетланади**

ва асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича тегишли 010, 011, 012, 013, 015, 019-субсчётлар **кредитланади**;

б) айти вақтда эскириш камайиши суммасига:

асосий воситалар эскириши бўйича тегишли 020, 021, 022, 023, 025, 029-субсчётлар **дебетланади**

ва «Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 280-субсчёти, ёки

«Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа» 281-субсчёти, ёки

«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 282-субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

«Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти, асосий воситалар объектларини олиш манбаидан келиб чиқиб, **кредитланади**;

в) ўрнатилаётган ускуналарнинг арзонлашиш суммасига:

«Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 280-субсчёти, ёки

«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 282-субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

«Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти, ўрнатилаётган ускуналарни олиш манбаидан келиб чиқиб, **дебетланади**

ва 070-субсчёт **кредитланади**;

г) тугалланмаган қурилишнинг арзонлашиш суммасига:

«Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 280-субсчёти, ёки

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» 283-субсчёти, ёки

«Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа» 284-субсчёти **тугалланмаган қурилишнинг вужудга келиш манбаидан келиб чиқиб, дебетланади**

ва 071-субсчёти **кредитланади**.

Индексли усулда ўтказилган қайта баҳолашнинг акс этишини шартли бюджет ташкилоти мисолида кўриб чиқамиз. Шунингдек, 2016 йил 1 январь ҳолатига бюджет ташкилотида 4210,0 минг сўмлик баланс қийматига эга бўлган асосий воситалар («RoisonKFF» кондиционер) мавжуд.

Мазкур мисолда 2016 йил 1 январь ҳолатига шартли бюджет ташкилоти харажатлари сметасининг бажарилиши тўғрисидаги йиллик баланс (1-шакл) (шартли қисқартирилган) 1-жадвалдаги кўринишга эга бўлади.

2016 йил 1 февраль ҳолатига 1.063 коэффициент билан индексли усулда қайта баҳолаш амалга оширилди, қайта баҳолашдан кейин ҳосил бўлган кондиционернинг қайта баҳоланган суммаси (4210.0 x 1.063) **4475,2** минг сўмни ташкил этди. Шу тариқа ҳисобланган эскиришни қайта баҳолаш қийматини (372.1 минг сўм x 1.063) **395.5** минг сўмга келтирамиз.

Бошланғич сумма 4210,0 минг сўмни ташкил қилганлиги учун юзага келган тафовутга бухгалтерия проводкасини берамиз (4475.2-4210.0=**265.2**).

Шу каби эскириш йилига қайта баҳоланган суммаси 395.5 минг сўмни ташкил этадиган, ҳисобланган эскириш суммаси бўйича юзага келган тафовутга бухгалтерия проводкасини берамиз (395.5-372.1=**23.4**) (2-жадвал).

Бу ҳолатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

013-субсчёт дебети	280-субсчёт кредити	265.2 минг сўм
280-субсчёт дебети	023-субсчёт кредити	23.4 минг сўм

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олинган бошқа асосий воситаларни ҳам қайта баҳолаш шу тариқа амалга оширилади. Мазкур вазиятда асосий воситаларни олиш манбаларидан келиб чиқиб, 280-субсчёт ўрнига тегишли 281, 282, 283 ёки 284-субсчётлар қўлланилади.

2. Асосий фондларни йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-бандига мувофиқ, ташкилот хоҳишига кўра, 1 январь ҳолатига тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усулини қўллашда объектларнинг тўла тиклаш қийматини ҳужжатли тасдиқлаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

а) тайёрловчи-корхоналар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган шу каби маҳсулот нархлари ҳақидаги маълумотлар;

б) қайта баҳолаш санасига ва асосий фондларни олиш санасига МБ ҳисоблаш

1-жадвал. Бюджет ташкилоти харажатлари сметасининг бажарилиши тўғрисидаги йиллик баланс

БАЛАНС
(2016 йил 1 январь ҳолатига),
минг сўмда

Актив				Пассив			
Субсчётлар рақами	Субсчётлар номи	Қатор коди	Йил (чорак) охирига	Субсчётлар рақами	Субсчётлар номи	Қатор коди	Йил (чорак) охирига
010, 011, 012, 013, 015, 018, 019	Бошланғич (тиклаш) қиймати	010	4210.0	280	Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа	351	3837,9
020, 021, 022, 023, 025, 029	Ҳисобланган эскириш ¹	011	372.1				
	(010-011) қатор қолдиқ (баланс қиймати)	012	3837.9				
БАЛАНС		x	3837,9	БАЛАНС		x	3837,9

коэффициенти қўлланиладиган, олиш санасига ЭКВ даги асосий фондлар қиймати (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;

¹ 2015 йилнинг иккинчи чорагида (майнинг боши) бюджет маблағлари эвазига олинган «RoisonKFF» кондиционерига ҳисобланган эскириш ҳисоб-китоби қуйидаги тарзда амалга оширилди: (100% мазкур кондиционер эскиришнинг 15%лик йиллик меъёрига бўлиш ҳисоб-китобидан олинади (VII гуруҳ. Бошқа гуруҳларга киритилмаган қайд қилинган активлар, 2-кичик гуруҳ. Офис мебеллари ва ускуналари (шу жумладан, телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари) Адлия вазирлигида 2013 йилнинг 19 декабрида 2538-рақам билан рўйхатга олинган Низомга иловадан олинган) = 6.6 йил, яъни эскириш ҳисобланиши зарур бўлган муддатдир. Сўнгра 4210.0 минг сўмлик сумма 6,6 йиллик муддатга бўлинади ва 637,9 минг сўм, яъни йиллик эскириш суммаси ҳосил қилинади. Шундан сўнг йиллик эскириш суммаси 12 ойга бўлинади ва эскириш ҳисоблашнинг ойлик меъёри аниқланади (637.9 : 12 = 53157 сўм). Асосий воситалар объекти бўйича эскириш ҳисоблаш бу объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланиши туфайли мазкур кондиционер бўйича эскириш ҳисоблаш суммаси (53157 сўм x 7 ой (2015 йил июнидан декабригача) = 372.1 минг сўмни ташкил этди.

в) тегишли давлат органларида мавжуд нархлар даражаси ҳақидаги маълумотлар;

г) қайта баҳолаш ўтказилаётган даврда оммавий ахборот воситаларида ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси ҳақидаги маълумотлар;

д) баҳоловчининг асосий воситалар қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули билан ўтказилган қайта баҳолашнинг акс этишини шартли бюджет ташкилоти миқсолида кўриб чиқамиз.

Шунингдек, 2016 йил 1 январь ҳолатига бюджет ташкилотида 1679,0 минг сўмлик баланс (тиклаш) қиймати ва 840,0 минг сўмлик суммага ҳисобланган эскиришга эга бўлган асосий восита (бюджет ташкилоти ривожланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олинган «CHIGO» кондиционер) мавжуд.

2-жадвал. 1.063 коэффицент билан индексли усулда қайта баҳолаш

**БАЛАНС
(2016 йил 1 апрель ҳолатига),
минг сўмларда**

Актив				Пассив			
Субсчётлар рақами	Субсчётлар номи	Қатор коди	Йил (чорак) охирига	Субсчётлар рақами	Субсчётлар номи	Қатор коди	Йил (чорак) охирига
010, 011, 012, 013, 015, 018, 019	Бошланғич (тиклаш) қиймати	010	4210.0/ 4475.0	280	Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа	351	4079.5
020, 021, 022, 023, 025, 029	Ҳисобланган эскириш	011	395.5				
	(010-011) қатор қолдиқ (баланс) қиймати	012	4079.5				
БАЛАНС		х	4079.5	БАЛАНС		х	4079.5

Қайта баҳолаш ўтказилаётган даврда оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотларга кўра, шу каби кондиционер нархи 2100,0 минг сўмни ташкил этади. Мазкур кондиционер бўйича тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усулини қўллаш мақсадида бюджет ташкилоти қуйидаги ҳисоб-китобни амалга оширади:

а) янги қийматни амалдаги тиклаш қийматига бўлиш йўли билан аниқланадиган қайта ҳисоблаш коэффицентини аниқлайди (2100.0 м.с : 1679.0 м.с. = 1,25).

б) қайта баҳолаш суммасини тиклаш қиймати бўйича аниқлайди (2100.0-1679,0 =421.0 м.с.).

в) эскириш қайта баҳолаш суммасини аниқлайди (840.0 м.с. x 1,25=1050.0 м.с.)

Бу ҳолатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

013-субсчёти дебити	283-субсчёти кредити	421.0 минг сўм
283-субсчёти дебити	023-субсчёти кредити	210.0 минг сўм

Асосий воситалар объектлари қийматини қайта баҳолаш натижалари (кўпайиш ёки камайиш) бюджет ташкилотининг даврий бухгалтерия ҳисоботларига илова қилинадиган, ҳисоботда харажатлар сметаси (2-шакл) ижроси тўғрисидаги маълумотларни акс эттирмаган, аммо 057-қатор (агар қўшимча баҳоланса) ёки 067 (агар арзонлаштирилса) номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги йиллик ҳисобот шаклида акс эттирган (5-шакл) ҳолда тушунтириш хатида ёритилади.

Қайта баҳолаш ўтказишда ишларни енгиллатиш учун қуйидаги индекслар келтирилган (3-жадвал):

3-жадвал.

**2016 йил 1 январь ҳолатига асосий фондлар, ўрнатиш мўлжалланаётган
ускуналар ва тугалланмаган қурилиш объектлари қийматини қайта баҳолаш
ИНДЕКСЛАРИ
(уларни олиш, тайёрлаш, қуриш даврлари бўйича)**

Асосий фондлар гуруҳлари ва кодлари	1995 й. гача киритилмаган	1996-2005 йй.	2006-2013 йй.	2014 й.	2015 й.			
					I ч.	II ч.	III ч.	IV ч.
1. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бинолари (10000-10018)								
1-М гуруҳи	1,000	1,031	1,064	1,085	1,079	1,061	1,041	1,020
2-М гуруҳи	1,000	1,021	1,053	1,074	1,069	1,050	1,031	1,010
3-М гуруҳи	1,000	1,011	1,042	1,064	1,058	1,040	1,020	1,000
4-М гуруҳи	1,000	1,000	1,032	1,053	1,047	1,029	1,010	1,000
5-М гуруҳи	1,000	1,000	1,022	1,043	1,037	1,019	1,000	1,000
2. Иншоотлар (20000-20382)								
1-М гуруҳи	1,000	1,031	1,064	1,085	1,079	1,061	1,041	1,020
2-М гуруҳи	1,000	1,021	1,053	1,074	1,069	1,050	1,031	1,010
3-М гуруҳи	1,000	1,011	1,042	1,064	1,058	1,040	1,020	1,000
4-М гуруҳи	1,000	1,000	1,032	1,053	1,047	1,029	1,010	1,000
5-М гуруҳи	1,000	1,000	1,022	1,043	1,037	1,019	1,000	1,000
3. Узатиш қурилмалари (30000-30124)	1,010	1,066	1,100	1,123	1,112	1,085	1,065	1,035
4. Машина ва ускуналар								
4.1. Куч машиналари ва ускуналари (40000-40719)	1,000	1,047	1,080	1,102	1,091	1,063	1,045	1,022
4.2. Иш машиналари ва ускуналари (41000-46119)	1,000	1,047	1,080	1,102	1,091	1,063	1,045	1,022
4.3. Ўлчаш ва тартибга солиш асбоблари ва қурилмалари, лаборатория ускуналари (47000-47066)	1,000	1,047	1,080	1,102	1,091	1,063	1,045	1,022
4.4. Ҳисоблаш техникаси (48000-48010)	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
4.5. Бошқа машина ва ускуналар (49000-49303)	1,000	1,047	1,080	1,102	1,091	1,063	1,045	1,022
5. Транспорт воситалари (50000-50709)								
Енгил автомобиллар	1,091	1,152	1,188	1,212	1,205	1,187	1,175	1,109
Бошқа транспорт воситалари	1,000	1,000	1,030	1,051	1,045	1,032	1,023	1,012
6. Қуруллар (60000-60002)	1,000	1,030	1,062	1,084	1,074	1,050	1,038	1,021
7. Ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, мебеллар бундан мустасно (70000- 70002, 70005-70012)	1,000	1,030	1,062	1,084	1,074	1,050	1,038	1,021
8. Мебель (70003-70004)	1,000	1,020	1,052	1,074	1,066	1,046	1,034	1,014

3-жадвал давоми.

Асосий фондлар гуруҳлари ва кодлари	1995 й. гача киритилмаган	1996-2005 йй.	2006-2013 йй.	2014 й.	2015 й.			
					I ч.	II ч.	III ч.	IV ч.
9. Иш ва маҳсулдор ҳайвонлар (80000)	1,000	1,000	1,064	1,086	1,080	1,082	1,075	1,032
10. Кўп йиллик ўсимликлар (90000-90021)	1,000	1,028	1,060	1,082	1,074	1,054	1,040	1,023
11. Кутубхона фондлари	1,000	1,005	1,037	1,058	1,054	1,044	1,038	1,019
12. Бошқа асосий фондлар	1,000	1,051	1,084	1,106	1,097	1,070	1,050	1,028
13. Қурилиши тугалланмаган объектлар	1,016	1,073	1,106	1,129	1,115	1,084	1,062	1,018
14. Ўрнатилмаган ускуналар	1,000	1,047	1,080	1,102	1,091	1,063	1,045	1,022

Эслатма: Асосий фондлар кодлари 1990 йил ЕНАО сизга мувофиқ келтирилган.

Ташкилот балансида турган турар-жой объектлари уларни қайта баҳолаш бўйича бошқа меъёрий ҳужжат мавжуд бўлмаган вазиятда 1,0 коэффициентини қўллаган ҳолда қайта баҳоланади.

Минтақалар гуруҳлари

1-М гуруҳ	Тошкент шаҳар
2-М гуруҳ	Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари
3-М гуруҳ	Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари
4-М гуруҳ	Сурхондарё, Хоразм, Наманган вилоятлари
5-М гуруҳ	Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-И-сонли қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 2002 йил 29 октябрдаги 4-сонли, Молия вазирлигининг 129-сонли, Давлат солиқ қўмитасининг 2002-86-сонли қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-рақам билан рўйхатга олинган «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом».

3. 2016 йил учун асосий фондлар қийматларини қайта баҳолаш индекслари «Норма» газетасининг рус тилидаги 2015 йил 29 декабрдаги 52-сонидан чоп этилган.

4. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

5. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. – Т., «Iqtisod-moliya», 2011.